

ТАСДИКЛАЙМАН  
Марғилон шаҳар ободонлаштириш  
бошкармаси бошлиғи  
Ш.Рахимов



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Марғилон 2022 й**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- 1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома**
- 2. Техник кисм**
- 3. Нархлар кисми**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИММАТИ**

Танлов предмети: Фаргона вилояти Марғилон шахар Ипакчи МФЙ Навбахор кўчаси 98 сонли кўп қаватли уй том ва фасад қисмини таъмирлаш буйича смета хужжатлари хамда экспертиза хулосаси хужжатларини тайёрлаш.

1.2. Танловнинг юкори киймати ҚҚС билан 2000000 сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул килингандан сунг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган холда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошкармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошкармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилганидан сунг объект умумий шартномавий кийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **Марғилон шахар ободонлаштириш бошкармаси** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Фаргона вилоят Марғилон шахар Мустақиллик кўчаси 452 а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

#### **3 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувохнома;
- Танлов иштирокчиси хакида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий курсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, туловга кодирлиги ва айланма маблаглар билан таъминланганлиги) тугрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солик туловларидан булган карздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ухшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жихозлари ва дастурлар руйхати;
- Кафолат хати (буортмачига ишларни таклиф киймати, топшириш муддатини курсатиб тасдиклаган холда).

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан бодлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибида мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. ^уйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисмда, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби, якуний туловлар ва бошка бодлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар буйича уз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. ^уйидаги хужжатлар тулик булиши талааб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгarterиши киритиш хукукига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги ^онун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартыришга йул күйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартышилар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартырилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартышилар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади